

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов	
Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили).....	84

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Н.Йўлдошев	
Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари	88
Г.Эрназарова	
Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида).....	94
С.Жумаева	
Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	98
Х.Жўраев, С.Хўжаев	
Образ, бадиий-фалсафий ният ва ғоявийлик.....	102
А.Тўйчиев	
Нурали Қобул ижодига умумий назар	106

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, Ш.Ганиева	
Тил илмининг етук дарғаси	110
А.Мамажонов, А.Абдуллаев	
Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида	114
Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова	
“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи	119
Н.Умарова	
Навоий асарларида “сўз” концепти	126
И.Мадраҳимов	
Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси	130
Д.Мадазизова	
Сленг ва унга ёндош ҳодисалар	134
А.Саминов	
Антитета ва оксюморон усусларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Ўринова	
Ижтимоий-психологик тренинглар ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида	142
Ш.Бойханов	
Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги	147
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши	151

ИЛМИЙ АХБОРОТ

С.Муртазова	
XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожи ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан.....	154
Н.Комилов	
Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида)	157
М.Болтабоев	
Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи	161
С.Юлдашев	
VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши	164

зазол. (мақол)). The second antithesis is lexical antonyms, as noted above (*Дұст – дүшмән*), antonyms (simple and compound sentences) (*Инсон умри давомида яхши ҳамда ёмон күнлар бўлади, // Жаҳонда ҳаммадан тўғрилик аъло, Эзриликдан ортиқ йўқдир ҳеч бало*), in microtext the event is formed by contrasting the character of the protagonist, while in oxymoron the lexical means are not contrasted, not compared, revealed by the unusual application of each other. That is, oxymoron can be manifested in the form of a phrase (*quiet rebellion, silent murmur*) and speech (*beautiful cries*). Third, both components of the antithesis are in the same form and act as the same part of speech (*Каммага – ҳурмат, Кичикка – шафқат*), while oxymoron, when used in speech, is in a relationship of dominance and subordination (*witch melody, dark silence, shouting silence, a student without a teacher is like a lifeless piece*), and also serves as a different part of speech in the sentence (*determiner-definite, definite-definite, possessive-definite*). Fourth, the parts of the antithesis are applied mainly in their own sense or on the basis of contradicting the dominant meaning of the lexeme, one or both parts of the oxymoron are formed by the use of the figurative sense or by contrasting the adjacent modal meanings of the

lexeme. As it can be seen from the above, their similarity is ensured by the construction of antithesis and oxymoron on the basis of contradiction, but other aspects, namely, "building material" [2.9], are two different methodological tools that differ in their place in speech, syntactic function and semantics.

Information in any field of the human mind, even if this information is put side by side through its alternative options, i.e. units that have opposite meanings and content, and while these units are distinguished by their individuality and unusualness, they can be adopted more quickly, more easily, in more detail, resulting in the possibility of long-term memory. As a small example of this situation, we think it is appropriate that new words that need to be learned in modern foreign language textbooks are presented along with their synonym and antonym variants. This is characterized by the ability to easily and comprehensively learn new words, to penetrate deeper into its essence, to ensure that it is stored in the memory for a long time. Such an analysis of the methods of antithesis and oxymoron is one of the main features of the above phenomena - methodological tools. It can be seen that the comparative study of similar and dissimilar tools is of great scientific and practical importance.

References:

1. Boboev T. Fundamentals of Literary Criticism. -T.: Uzbekistan, 2002.
2. Mamajonova A. Compound sentence stylistics. -1990.
3. Yuldashev M., Linguistic analysis of the literary text. Textbook. T.t: Hamidov N.H. printing company, 2008.
4. Salaev F., Kurbaniyozov G., "Explanatory dictionary of literary terms". – New Generation, 2010.
5. Shomaksudov A. and head. Stylistics of the Uzbek language. Guide. – T.:Teacher Publishing House, 1983.
6. Qur'onov D., Mamajonov Z., Sheraleeva M. "Dictionary of Literary Criticism". –T.:«Akademnashr», 2010.
7. Hojiyev A. "Explanatory dictionary of linguistic terms" – T.: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2002

ПЕДАГОГИКА

УДК: 370.153+378.180.6

ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГЛАР ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ СИФАТИДА

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ТРЕНИНГИ КАК ИННОВАЦИОННЫЕ
ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЁЖИ

SOCIO-PSYCHOLOGICAL TRAININGS AS INNOVATIONAL TECHNOLOGIES
INCREASING THE SOCIAL ACTIVITIES OF YOUTH

Н.Үринова

Н.Үринова

– Фарғона давлат университети, педагогика
фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ижтимоий-педагогик тренингларнинг моҳияти, уларни мақсад ва вазифалари ёритиб берилган. Шунингдек тренингларда кўллаш мумкин бўлган методлар ҳамда лойиҳа доирасида олиб борилган тренинг натижалари тахлиси берилган.

Аннотация

В статье раскрывается сущность социально-педагогических тренингов в повышении социальной активности молодежи, их цели и задачи. Также даётся анализ результатов тренинга, проведенного в рамках проекта и методы, которые могут быть использованы на тренингах.

Annotation

In this article, the essence of socio-pedagogical trainings in increasing the social activity of young people, their goals and objectives are highlighted. The results of the training conducted in cooperation of the methods that can be used in the trainings are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий-психологик тренинг, талаба, ижтимоий фаоллик, баҳс-мунозара, ўйин.

Ключевые слова и выражения: социально-психологический тренинг, студент, социальная активность, дискуссия, игра.

Keywords and expressions: socio-psychological training, student, social activity, discussion, play.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган чукур ислоҳотлар бевосита ёшларимизнинг менталитетига, уларнинг хулқ-автори, дунёқараши, умуман психологиясига таъсир кўрсатмоқда. Лекин XXI асрнинг юксак информацион-технологиялар асри эканлиги, унинг инсон омилига, жамиятга, ёшлар онгига кўрсатаётган таъсирини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Шундай шароитда педагоглар эътиборини тортаётган жиҳатлар кўпки, улар орасида ўсиб келаётган авлод онгига ижобий суггестив таъсир кўрсатиш, улар ижтимоий хулқини бошқаришининг замонавий, самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ёшларда шарқона муомала, ўзаро таъсир ва ўзлигини ўзгаларга намоён эта олиш қобилиятини ўстириш фан учун ҳам, амалиёт учун ҳам ўта долзарбdir.

Фарғона давлат университетида ПЗ-20170930223 “Демократик ва хукуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар

ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа ҳам ушбу муаммо доирасида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Лойиханинг мақсади - демократик ва хукуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Ҳозирги даврда таълим жараёнида психологик тренинг ўзаро таъсир кўрсатиш методи сифатида амалиётда кенг кўлланилмоқда. Ижтимоий-психологик тренинг муроқотни, муомалани муваффақиятли ўtkазиш учун маълум билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган билим тизимиdir [1, 35].

Тренинг асосан шахсни муроқотга ўргатиш учун бажариладиган ўйин ва машқлар узлуксизлигини ташкил этади. Тренинг машғулотларида психологиянинг умумий қонуниятларини аниқлашга доир ўтказилган тажрибалар орқали уларнинг

психик ходисаларга тегишли назарий билим ва тушунчалари амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шахс ўзаро муносабатга киришиш орқали ўз-ўзини англаш, камол топтириш, ҳақ-хуқуқини, эркинлигини аниқроқ ва тўғрироқ тасаввур қилиш имкониятини тушуниб боради. Улар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотга киришган сари, ўзаро муносабатлар тажрибаси ҳам ортиб боради. Шунингдек, умумийлик, ўхшашиблик ва уйғунлик каби сифатлар ҳам пайдо бўлади. Муносабатдан кўзланган асосий мақсад – ўзаро тил топишиш, бир-бирларини тўғри тушуниш эканлигини англаш етадилар.

Таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-психологик тренинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, машғулотда педагог ва талаба орасидаги муносабат, машғулотни ўзлаштириш, фикр юритиш, билимга бўлган қизиқиши ва шахснинг фаоллигини оширади. Маълум касбни эгаллаш ва билиш жараёнларини шакллантириш ўкув ўйинлари, машғулотларини ташкил қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Тренинг машғулотлари синф ва гуруҳларда ташкил қилинса, талабанинг ўзлаштирилишини яхшилайди. Билиш жараёнини мукаммаллаштиради, педагог билан талабанинг муомала жараёнида муаммоли вазиятларни ечишни енгиллаштиради ҳамда ўзаро муносабатларнинг яхшиланишига олиб келади.

Уни ўтказиш орқали шахсларнинг бир-бирини тушуниш, муомала маданиятини ошириш, ички муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилади. Психологик тренингни муваффақиятли ўтиши педагог ва талabalар ҳамкорлигининг фаол ҳаракатларини талаб этади. Натижада иштирокчилар ўзининг билими, салбий ёки ижобий эмоцияларни қабул қилишга тайёрлиги ва ўз навбатида психологик ҳимоя ва хулқ-атворни шакллантириб бориш зарурлигини тушунади. Шунингдек, машғулотларни мазмунли ўтказиш машғулотда педагог ва талаба қарашларини тенглаштиради. Машғулот жараёнида педагог ҳамма нарсани билувчи сифатида эмас, балки ҳамкорлик қилувчи тенг ҳуқуқли шерик ёки қатнашувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Бизнинг тадқиқотимизда ишончлиликка ва илмий асосланганликка эришиш учун психологик тренингнинг баҳс-мунозара методларидан кўпроқ фойдаландик. Бу методнинг педагогик-психологик ва

ижтимоий аҳамияти шундаки, унда ҳар бир шахснинг ўз нуқтаи назарини маълум қилишга ташаббускорлик, мулоқотдаги билимдонлик, ҳамда ақлий потенциалидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Яъни бу туркум методларининг вазифалари ҳам унинг аҳамиятли мақсадларидан келиб чиқади:

- мунозара қатнашчиларини реал вазиятларни таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсани номуҳимдан ажратишга ва муаммони англашга ўргатади;
- ўзгалар фикри сўзлаш маҳоратини кузатиш ва шу асосида улар билан ҳамкорлиқда ишлашга ундейди;
- муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажратиш, уларни моҳиятини англаш имкониятини яратади;
- муаммонинг турли муқобилечимлари бўлиши мумкинлигини ифодалайди.

Айниқса, ахлоқий-маънавий мавзулардаги муаммоларни ҳал қилишда мунозаранинг роли катта. Бундай шароитда баҳслашувчиларнинг етуклиқ даражалари муҳим аҳамиятга эга. Ахлоқий-маънавий масалалар юзасидан мунозарани ташкил этувчи шахсга алоҳида талаблар қўйилишини таъкидлаш керак. Мунозара қатнашувчиларига ҳеч қандай тазиқ ўтказмаслик, ҳар бир шахснинг эркин фикрини баён этишига имкон бериш, фикрларнинг тамоман зидлашиб кетишига йўл қўймаслик, баҳслашувдан келиб чиқадиган хуласа ва қарорни гуруҳнинг ўзига ҳавола қилиш лозимлигини унутмаслик зарур. Бу усул мактабларда, турли билим масканларида, маҳалла қўмиталари иш фаолиятида психологик маслаҳат шаҳобчалари, ўспиринлар тарбияси билан боғлиқ жараёнларда кенг қўлланиши мумкин. Юқорида келтирилган фикримизнинг далили сифатида қуйидаги тренинг машғулотларини ўтказилишини лозим топдик: «Танишув», «Ёрликлар ўйини», «Мен фаҳрланаман», «Стереотиплар бизнинг ҳаётимиизда» «Юлдузлар жангиги» «Тинглаш ва эштиш», «Илтифотли қадам», «Бузук телефон ёки ахборот узатишда нимани йўқотиш мумкин», «Талабага чўнтақ пули керакми? (дебат)», «Касб танлашга тайёрман», шунингдек, музёарлар: «Шамол эсмоқда», «Мехмонхона», «Мевали салат», «Самсон, Далила, Шер», «Мен кимман ёки нимаман?» каби музёарлар вақтни, талabalарнинг эҳтиёж ва имкониятларини

ПЕДАГОГИКА

ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Машғулотларда талабаларнинг ҳамкорлик фаолиятига нисбатан ижобий муносабатлари ва фаолликлари ошганлигини гувоҳи бўлдик [2, 87].





Лойиҳа тадқиқот ишлари давомида талаба-ёшлар ижтимоий фаолигини ошириш мақсадида қўйидаги ўқув-курслари бўйича семинар-тренинглар ташкил этилди:

- “Тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқариш”;

- “Коучинг методи орқали ижтимоий секторда ёшлар харакатини фаоллаштириш”;

- “Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш”.


Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган семинар-тренинг машғулотларидан сўнг 100 нафар ўқувчи-ёшлар ўртасида ижтимоий фаолликни турли йўналишлари бўйича ўз фаолликларини аниқлашга оид сўровнома ўтказилди. Сўровнома тахлили диаграммаларда акс этган.



**Ижтимоий ҳимоя ташкилотларининг
фаолиятларида иштирок этиш(м: “Сен ёлғиз
эмассан” каби)**




Диний қўмиталари фаолияти



**Касаба уюшмалар бошланғич ташкилотлар
фаолиятида**




Имконияти чекланган шахслар жамияти (кўзи ожизлар, кар ва соковлар ва хоказо)



**Аёллар ва хотин кизлар қўмиталари бошланғич
ташкилотлари фаолиятида**



Миллий марказлар фаолиятида



Маҳалла фуқаролар йигини фаолиятида

